**“Сотувчи кабинети”. Рўйхатдан ўтиш ва оферта.**

Тадбиркорлар **Smart-Market**да ўз маҳсулот ва хизматларини жойлаштиришлари учун аввало тизимга киришлари керак. Бу эса бош саҳифадаги **“сотувчи кабинети”** тугмаси орқали амалга оширилади.




- **Логин** ва **пароль** орқали таъминотчи сифатида тизимга кирилади.

- Шунингдек **ЭРИ** (электрон рақамли имзо) орқали ҳам платформага кириш мумкин.




- **ЭРИ** ёрдамида тизимга киришда электрон рақамли имзо калити терилади.



- Тизимга киргач, чап ён қатордан **“реквизитлар”** бўлимига ўтилади.




- Кўринган ойна - таъминотчининг корхона ёки ташкилотига доир асосий реквизитлар қатори.




- **“Маълумотларни ўзгартириш”** тугмасини босиш орқали бу қаторни янгилаш мумкин. Жараён **“сақлаш”** тугмасини босиш орқали якунланади.




- Кейинги қадам - бу **“Smart-Market” маркетплейс тизимидан фойдаланиш бўйича оммавий оферта** билан танишиш.



HUJJAT.UZ
Version 3.7.4 BETA
Oferta 08.04.2024

SMART-MARKET.UZ

Электрон савдо майдончасидан фойдаланиш бўйича

ОММАВИЙ ОФЕРТА

Тошкент шаҳри — 2024 йил 8 апрелдаги таҳрири

"SMART MARKETPLACE" МЧЖ (Кейинги ўринларда – «Хизмат кўрсатувчи» деб юритилади) Устав асосида фаолият кўрсатувчи директор Алимов Азимжон Насимович номидан "Smart Marketplace" Электрон савдо майдончаси (Кейинги ўринларда – Ахборот тизими деб юритилиши мумкин) орқали қуйидаги шартлар асосида хизмат кўрсатишни таклиф этади.

Ушбу оммавий оферта Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 367-моддаси асосида тузилган бўлиб, smart-market.uz электрон савдо майдончаси орқали маҳсулот ва хизматларни сотиш ҳамда сотиб олиш бўйича ахборот хизматларни кўрсатиш таклифини ўз ичига олади.

1. АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

1.1. Мазкур Офертада қуйидаги атама ва тушунчалардан фойдаланилган:

Ахборот тизими («smart-market.uz») – бозор тамойиллари асосида маҳсулот ва хизматларни эркин сотиш ёки сотиб олиш имконини берадиган дастурий маҳсулот.

Шахсий кабинет – ахборот тизимида маҳсулот ва хизматларни сотиш, сотиб олиш, тўловлар тўғрисида маълумот бериш, буюртмаларни амалга ошириш ва бошқа турдаги хизматлардан фойдаланиш учун яратилган дастурий интерфейс.

Таъминотчи – ахборот тизими орқали ўз маҳсулот ва хизматларини сотувчи хўжалик юритувчи субъект.

Воситачи ташкилот – ахборот тизимида Харидор сифатида рўйхатдан ўтган субъектнинг тўлов қобилиятини текшириш (баҳолаш) ва Харидорнинг Ахборот тизими орқали Таъминотчи (сотувчи)дан Маҳсулотни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш




- Офертанинг электрон кўрinши билан танишиб чиққач, **"ЭРИ" калит орқали имзоланади.**

- Оферта имзоланганидан сўнг таъминотчининг профилида қуйидаги **маълумотлар ойнаси** очилади:




- Бош саҳифа, товар ва хизматлар, омборхона манзили, буюртмалар, шартномалар, фактуралар, омборхона, реквизитлар, оферта, тўловлар, кредит тўловлар, МХИК бириктириш, хабарнома, чорва маълумотлари, йўриқнома, тўлов ташкилотлари, чиқиш.

- Ҳар бир бўлим таъминотчи фаолиятини янада яхшилаш учун хизмат қилади.

Масалан, биргина “**омборхона манзили**” бўлимига кириб, сиз мавжуд ёки янги омборхона бўйича асосий маълумотларни киритишингиз мумкин.



- Навбатдаги қадам **hujjat.uz** орқали офертани имзолаш. Бунинг учун **“оферта” бўлими**га кириб, у ердан **hujjat.uz оферта**ни танлаш ва таъминотчи корхона ҳамда ва “Realsoft” МЧЖ ўртасида “hujjat.uz” ахборот тизимида электрон ҳужжат айланиши хизматини кўрсатиш бўйича оммавий офертани кўриш мумкин. Шундан сўнг **“Мен оммавий оферта шартларини қабул қиламан”** тугмасини босиш зарур.




- Сўнг **“тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтиш”** тумасини босиб, **ЭРИ** орқали имзолаш керак.



- **“Реквизитлар”** бўлимида оферта имзоланган сана кўриниб туради.

